

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Холиқов, М.Мелиқўзиева	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
И.Сиддиқов	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
И.Рахимов	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
Ф.Абдулбоқиев	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
М.Саидакбарова	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
Я.Нишанов	
Бадий асарнинг миграция омиллари.....	182
Г.Қосимова	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
Г.Орипова	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
Ш.Каримова	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
Э.Ибрагимова	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
Д.Рустамов	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
Г.Розиқова,	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
М.Алиева	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
М.Абдураҳманов	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари	208
Г.Исакова	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
С.Қурбонова	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
Н.Ахмаджонов	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
Х.Сотвалдиева	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
Р.Юлдашов	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
М.Рустамов	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
А.Тураханов	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

Забардаст туркийшунос олим.....	234
Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....	237

ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ПРЕЦЕДЕНТ НОМЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

ИЗУЧЕНИЕ ПРЕЦЕДЕНТНЫХ ИМЕН В МИРОВОЙ И УЗБЕКСКОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

STUDY OF PRECEDENTIAL NAMES IN THE WORLD AND UZBEK LINGUISTICS

Н.Ахмаджонов

¹Н.Ахмаджонов

— ФарДУ ўқитувчиси.

Аннотация*Мақолада прецедент номларининг қўлланишига оид айрим жиҳатлар таҳлил қилинган.***Аннотация***В данной статье анализируются некоторые аспекты использования прецедентных имен.***Annotation***This article analyzes some aspects of the use of precedent names.*

Таянч сўз ва иборалар: прецедент номлар, прецедент бирликлар, прецедентлилик феномени, эталон, бадий матн, лингвопоэтика, образ, маданий код, топоним.

Ключевые слова и выражения: прецедентные имена, прецедентные единицы, феномен прецедентности, эталон, художественный текст, лингвопоэтика, образ, культурный код, топоним.

Keywords and expressions: precedent names, precedent units, the phenomenon of precedent, standard, literary text, linguopoetics, image, cultural code, toponym.

Прецедентлик ҳодисаси илк бор психолингвистика ва маданиятлараро коммуникация назарияси каби соҳаларда тадқиқ этилган бўлиб, ҳозирги кунда филологлар диққат марказидаги объектлардан бирига айланиб бормоқда.

Прецедентлик муаммоси тилшунослик тадқиқотларида муҳим ўрин тутди. Тилшунос олимлардан Ю.Н.Караулов, Д.В.Багаева, С.В.Банникова, О.С.Боярских, Н.Д.Бурвикова, Н.П.Вольская, О.А.Ворожцова, Н.А.Голубева, Л.И.Гришаева, Д.Б.Гудков, М.Б.Дюжева, И.В.Захаренко, Е.А.Земская, М.Ю.Илюшкина, В.В.Красных, В.Г.Костомаров, Н.А.Кузьмина, С.Л.Кушнерук, И.М.Михалева, Е.А.Нахимова, Н.В.Немирова, Н.М.Орлова, Ю.Б.Пикулева, Г.Г.Слышкин, С.М.Смыкунова, Ю.А.Сорокин ва бошқалар прецедент номлар (машхур шахслар номлари), прецедент матнлар, прецедент ҳодисалар, прецедент баёноти, прецедент бирликлар (Инжил матнлари, мифлар, халқ қўшиқлари, эртақлар, латифалар, мақол, турғун ўхшатишлар, фразеологизмлар) каби йўналишларда илмий ишлар олиб боришган.

Прецедент (лот. praecedens – “олдинда юрувчи”, “олдинги”) – олдин, ўтмишда содир бўлиб, шу кўринишдаги кейинги ҳодисаларга намуна ёки оқловчи далил бўлиб хизмат қилувчи ҳодисадир [1,263].

Прецедент бирликлар тил тизимини тадқиқ этишнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири ҳисобланади.

Мазкур бирликларга бағишланган тадқиқотларда қайд этилишича, *прецедент* термини тилшуносликда биринчи марта Ю.Н.Караулов томонидан рус тилида эълон қилинган “Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности” (М., 1986) номли мақолада қўлланган [2,24].

Замонавий бадий адабиётда киши ва жой номларини ифодаловчи отларнинг у ёки бу белгиларига асосланиб имплицит маънода қўлланилиши кенг кузатилмоқда. Бу усул тилшуносликда асар қаҳрамонининг қарашларини, шахсий сифатлари, шунингдек, муаллифнинг персонажга муносабатини, персонажнинг бошқаларга нисбатан эмоционал муносабатини ифодалаш воситаси сифатида тадқиқ қилинмоқда.

Киши ва жой номларини ифодаловчи отларнинг турли тилларда имплицит маънода қўлланилиши (прецедент отлар) тилшунослар томонидан атрофлича ўрганилган бўлса-да, бу ҳодисани изоҳлашдаги турлича ёндашувлар, бир-биридан фарқланувчи илмий парадигмалар доирасида талқин қилиниши ҳамон давом этиб келмоқда.

Рус тилшунослигида муайян тил соҳибларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятда қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар сифатида қайд

этилади. Яъни ушбу атама орқали “эмоционал ва билиш билан боғлиқ муносабатларда шахс учун аҳамиятли, ўта шахсий характерга эга бўлган, яъни мазкур шахснинг атрофидагилари билан биргаликда, унинг ўтмишдошлари ва замондошларига ҳам яхши таниш бўлган матнлар ва, ниҳоят, мазкур тил вакили мулоқотида қайта-қайта янгидан тикланадиган мурожаатлар” назарда тутилади [3,216].

В.В.Краснихнинг фикрича, “прецедент феномен ортида ҳар доим у ҳақидаги ўзгача, муайян бир миллий ва маданий менталитетнинг барча вакиллари учун умумий ва шарт бўлган тасаввур ёки прецедент феноменига нисбатан мурожаатларнинг барчасини “аниқ”, тушунарли, коннотатив бўёқдорликни таъминлаб берадиган ва қабул қилинишининг инварианти мавжуд” [4,5-12]. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, прецедент матнлар мулоқот қилувчиларни умумий юқори савиядаги қўшимча билимлар (фондовые знания), яъни дунёни англаш ва билиш жараёнида инсонда юзага келадиган билим фондига мурожаат қилишга ундайди. Бир маданият вакилларига хос бўлган умумий билимлар мазкур билимларнинг индивидуал элементларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда маълум даражада ўзаро ўхшаш бўлади.

Прецедент номлар тушунчаси тилшуносликда, Ю.Н.Карауловнинг таъкидлашича, прецедент номлар тайёр “мазмуний блоклар” бўлиб, улар кўп қиррали ҳодиса сифатида тилшуносликда турли аспектларда ўрганилиши лозим. Бу борада тилшунос прецедент номларнинг лингвопоэтик тадқиқини ҳам назарда тутган бўлиб, бу каби тадқиқотлар орқали бадиий матндаги кўпчиликка таниш бўлган машҳур номларнинг ижодкор бадиий ниятини ёритишда муҳим восита бўла олиши мумкинлигини қайд этади [5,76-77].

Прецедент номларга берилган таърифларни умумлаштириш натижасида бу тушунчага хос бўлган хусусиятларни қуйидагича белгилаш мумкин: 1) тил эгалари хотирасида мавжуд бўлишлик; 2) машҳурлик; 3) бирор машҳур матн ёки вазият билан боғлиқлик; 4) рамзий маъно касб этиш [6,82-103].

Прецедент номлар тилшуносликда, асосан, лингвокультурологик ва когнитив аспектда кенг миқёсда ўрганилган [7,276]. Бунинг сабаби шундаки, прецедент номлар, энг аввало, халқнинг маданияти ва лисоний хотираси билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Шу билан бирга, улар бирор предмет ёки

тушунчанинг номи, яъни ономастик бирликлар ҳамдир. Номларни прецедентлик билан боғлаб ўрганган Е.А.Флейшер бу ҳақда қуйидаги фикрларни баён қилган: “Бир томондан, прецедент номлар когнитив заҳирани шакллантириш хусусияти билан прецедент бирликлар қаторига кирса, иккинчи томондан, улар ном сифатида ономастик кўламнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, прецедент номларнинг ономастик кўламдаги ўрнини белгилаш зарурий муаммолардан биридир” [8,164].

Миллатнинг энг машҳур шахслари, сиёсий арбоблари, халқ қаҳрамонлари, миллий эталонлари ўзида маълум маънодаги маданий кодни ифодалайди. Д.Худойберганова прецедент бирликларга миллат маданиятини намоён этувчи асосий бирликлардан бири сифатида қараб, маълум бир халқ ономастик кўламини унинг тарихи, маданияти, эстетик қарашлари, руҳиятини ўзида жамулжам этган кўп қиррали ҳодиса, деб ҳисоблайди [9,132].

Айтиш жоизки, прецедент номлар, аввало, ономастик бирлик бўлганлиги учун ҳам лингвопоэтик тадқиқотларнинг объекти бўла олади, чунки номлар бадиий асарнинг энг муҳим поэтик компоненти эканлиги фанда эътироф этилган ҳақиқатлардан биридир. Мазкур номларнинг прецедентлик хусусиятига эга бўлиши эса лингвопоэтик тадқиқотларда уларга интегратив нуқтаи назар билан ёндашишни тақозо этади, яъни прецедент номларнинг бадиий матндаги ўрнини таҳлил этиш жараёнида уларнинг лингвомаданий, этнолингвистик, когнитив хусусиятлари ҳам эътиборга олиниши лозим.

Таъкидлаш керакки, ўзбек лингвомаданиятида ҳам эталонлик хусусиятига эга бўлган шундай прецедент номлар борки, улардан кўплаб ижодкорлар бадиий восита сифатида фойдаланганини кузатишимиз мумкин. Хусусан, шеъринг матнларда кўп мурожаат қилинадиган қаҳрамонлик эталони – Рустам, Кунтуғмиш; гўзаллик, иболилик эталони – Зулфия, Ширин, Кумуш; мард аёл эталони – Барчин, Тўмарис; ватанпарварлик эталони – Жалололдин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Широқ; зукколик эталони – Баҳром, Садди Искандарий, Насриддин Афанди; меҳнатсеварлик эталони – Фарҳод, Зумрад; дангасалик ва кўполлик эталони – Қори

Ишкамба, Қиммат; сахийлик эталони – Нуширавон, Ҳотамтой; хасислик эталони – Маҳмуд каби бир қатор номлар ижодкорнинг муайян мақсадини ёритишга хизмат қилади. Бу номлар кўрсатилган маъноларда рамзий ном сифатида қўлланилади.

Прецедент бирликларнинг турларидан бири бўлган прецедент номлар муайян тилнинг ономастик кўламига кирувчи бирликлар ҳисобланади. Улар миллат маданиятини намоён этувчи энг асосий бирликлар бўлиб, маълум бир халқ ономастик кўлами унинг тарихи, маданияти, эстетик қарашлари, руҳиятини ўзида жамулжам этган кўпқиррали ҳодиса саналади. Маълумки, машҳур матнлар ёки вазиятлар билан боғлиқ бўлган номлар, шунингдек, муайян сифатларнинг намунавий йиғиндисига ишора қилувчи рамзий номлар прецедент номлар ҳисобланади. В.А.Маслованинг фикрига кўра, муайян миллатларга яхши таниш бўлган матнлар ёки воқеалар билан боғлиқ бўлган шахс номлари прецедент номлар бўла олади. Масалан, Обломов, Тарас Бульба каби [10,53]. Шундан келиб чиққан ҳолда, Алпомиш, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Кумуш, Отабек, Лайли, Мажнун, Тўмарис, Тохир, Зуҳра, Хумо, Чўлпон кабилар ўзбек; Гамлет, Геракл, Колумб, Отелло, Яго, Буратино кабилар хоризж мамлакатлари вакиллари таниш бўлган энг машҳур прецедент номлар ҳисобланади.

Прецедент номларнинг икки муҳим хусусияти тилшунослар томонидан эътироф этилган. Бу – машҳурлик, яъни тил эгалари лисоний хотирасидан мустақкам ўрин олиш ҳамда рамзийлик – муайян сифатлар жамулжамлигининг намунаси бўлишдан иборат. Рус оммавий мулоқотида прецедент номларнинг ўрнини тадқиқ этган Е.А.Нахимова тилшуносликда бундай номларга нисбатан ўндан ортиқ ёндашув мавжудлиги ҳақида ёзади. Булар: интертекстуаллик, прецедентлик, маданиятлараро мулоқот, исмларнинг кўп маънолилиги, аллюзия, вертикал контекст, матн реминисценцияси, шунингдек, метафора ҳақидаги анъанавий ва когнитив назариялар [11,07а һм].

Бу прецедент номлар моҳиятан кўп қиррали ва кўп вазифали эканлиги ушбу йўналишларнинг нақадар муҳимлигини билдиради. Бу бирликлар ҳатто бутун бир миллатни ифодаловчи маданий код вазифасида ҳам намоён бўла олади.

Прецедентлик назариясига кўра, прецедент номлар қўлланишига кўра иккига ажратилади: а) денотатив қўллаш; б) коннотатив қўллаш. Коннотатив қўллаш –

прецедент номларни метафорик ёки метонимик маънода қўллаш усулидир.

Рус тили оммавий коммуникациясидаги прецедент номларни монографик аспектда ўрганган Е.А.Нахимова бунга *Хиросима* топонимини мисол сифатида келтиради. Яъни *Хиросима* – деннотатив қўллашда Япониядаги шаҳар номини, коннотатив қўллашда эса “атом бомбаси қурбони бўлган жой” маъносини англатади. Тилшунос фақат прецедент номларгина метафорик ёки метонимик маънога эга бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди [12,124]. Дарҳақиқат, номларни кўчма маънода қўллаш образлилик ҳосил қилувчи усуллардан бири экан, метафорик ёки метонимик маънода қўлланаётган сўз денотати ўқувчи учун яхши таниш бўлиши лозим.

“Аксарият прецедент номлар муайян миллат вакилларининг миллий менталитети билан боғлиқ бўлиши билан бирга универсал характер ҳам намоён этиши мумкин. Жумладан, ўзбек ўқувчиси *Наполеон, Буратино, Чарли Чаплин, Отелло, Дон Жуан, Робинзон Крузо* каби номлар иштирок этган матнлар мазмунини ҳеч бир қийинчиликсиз қабул қилаверади” [13,92].

Бадий матнда нафақат антропонимлар, балки бошқа ономастик бирликлар ҳам прецедент бирлик сифатида жиддий эстетик вазифа бажариши мумкин. Айрим олимлар, гарчи улар ўхшатиш конструкциялари таркибида келган бўлса-да, бизнингча, муайян объектга хос хусусиятларга ишора қилувчи прецедент бирлик бўлади ва бундай номлар табиий равишда интертекстуалликни юзага келтиради.

Прецедентлик интертекстуалликнинг намоён бўлиш шакллари билан бири бўлиб, тил эгаларининг асосий қатламига яхши таниш эканлиги, нутқда қайта-қайта қўлланиши билан характерланади [14,153]. Масалан:

Зулфизар ёр меҳри қалбимда шижоат қўзғатиб, Севгию санъатда Моний бирла баҳс этмоқдаман. Ёқуту гавҳар жилосин тошга ўтказгунча то, Сўзлатиб ранени маҳорат бирла дарс этмоқдаман (Ж.Жабборов. Наққош қўшиғи.)

Моний “Фарҳод ва Ширин” достонидаги тош йўнувчи наққош номи - Ж.Жабборовнинг “Наққош қўшиғи” шеърисида ушбу машҳур номга ишора қилиниб, интертекстуалликни юзага келтирган [15,66].

Ўтли муҳаббатни куйлабсиз тўлиб, Бир Лайли ёдининг Мажнуни бўлиб. Уни ҳеч битта куч ололмас юлиб, Ҳатто

таърифлашга забон шарт эмас (А.Орипов. Муҳаббат ҳиссини асрамоқ учун).

Лайли, Мажнун номлари асосан муҳаббат мавзусидаги шеърӣ матнларда қўлланиб, аллюзияни юзага келтиришда восита бўлган. Бунда “Лайли ва Мажнун” достонидаги икки ошиқнинг муҳаббати тасвирланган ўринларда ёки достоннинг муайян сюжетига ишора қилиш орқали интертекстуаллик ҳосил қилинган. Бу эса фикрнинг ихчам, айна вақтда чуқур мазмунли жумлаларда ифодаланишига хизмат қилган [16,55].

Ўзбек тилшунослигида ҳам матн тилшунослиги, хусусан, интертекстуаллик борасида илгари сурилган янги қарашлар бу муаммонинг долзарб бўлишига сабаб бўлди. Тилшунос М.Юлдашев “Бадиий матннинг лингвопозитик тадқиқи” номли докторлик диссертациясида бадиий матнни тадқиқ этишда бу тушунчани четлаб ўтишнинг имкони йўқлигини бир қатор мисоллар билан ёритиб берган [17,126-150].

Юкорида қайд этилган фикрлардан келиб чикиб айтиш мумкинки, прецедент номлар бадиий матнда қуйидаги вазифалар учун хизмат қилади:

1. Ташқи алоқадорликни ҳосил қилади.

Яъни матнлар орасидаги алоқадорликни таъминлайди. Бошқа бир матнга муайян мақсад билан ишора қилади. Турли воситалар

орқали китобхон онгига мустаҳкам ўрнашган, унинг лисоний хотирасига жойлашган “таниш номлар” асарнинг кўпқатламлилигини таъминлайди. Бадиий матндаги бу ҳодисани М.Йўлдошев интертекстуаллик атамаси остида тадқиқ қилган.

2. Ички алоқадорликни ҳосил қилади, яъни бадиий матндаги қаҳрамонларнинг бирор бир хусусияти билан “таниш ном” ўртасида алоқадорлик ўрнатилади. Бунда ўхшатиш, қиёслаш, фарқлаш, шарҳлаш ёки эслатиш мақсад қилинган бўлади.

3. Экспрессивликни ҳосил қилади. Бадиий матннинг тушуниш жараёнини тезлаштиради. Мазкур номлар ёрдамида матннинг осон ва тез тушунилиши таъминланади.

4. Бадиий матндаги ономастик репертуарни кенгайтиради.

5. Бадиий ифода воситалари таркибида келиб, таъсирчанликни оширади.

Ўзбек миллий прецедент номлари менталитетимизнинг ўзига хосликларини ифодаловчи, миллий лисоний онгимизни ўзида намоён этувчи бирликлардир, улар миллатнинг маданий коди сифатида авлоддан авлодга ўтиши ёки ўз аҳамиятини йўқотганда эса унутилиши мумкин. Уларни тадқиқ этиш орқали оламнинг ўзбекча лисоний манзарасини, ундаги лингвомаданий ўзига хосликларни кузатиш ва таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. Евгеньева А.П. Словарь русского языка: В 4-х т. – М.: изд-во Полиграфресурсы, 1999.
2. Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2002.
3. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: изд-во МГУ, 1987.
4. Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация. Вып. 2. – М.: Филология, 1997.
5. Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2002.
6. Захаренко И.В., Красных В.В., Гудков Д. Б. Прецедентное имя и прецедентное высказывание как символы прецедентных феноменов // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М., Филология, 1997. – Вып.1.
7. Нахимова Е.А. Прецедентные онимы в современной российской массовой коммуникации: Теория и методика когнитивно-дискурсивного исследования. – Екатеринбург, 2011.
8. Флейшер Е.А. Основы прецедентности имени собственного. – Дисс. ...д-ра. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2014.
9. Худайберганаева Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентриқ талқини: Филол. фан. д-ри...дисс. – Т., 2015.
10. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001.
11. Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // www.philology.ru/linguistic/32/nakhimova-07a.htm.
12. Худайберганаева Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтомиларининг изоҳли луғати. –Т.: Турон замин зиё. 2016.
13. Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопозитик тадқиқи: Филол. фан. ...д-ри. дисс. – Т., 2009.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).